

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ХМИ ВА МАМЛАКАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: Корея Республикаси эркин иқтисодий ҳудудларининг  
шаклланиши ва ривожланиши (“Масан” ЭИХ мисолида)**

**Бажарди: “коряшунослик”**

таълим йнналиши битирувчи

курс талабаси **Ибраимов Б.**

-----

**Илмий рахбар:**

**проф.Салиев А.С.**

-----

**Тошкент 2012**

## Мундарижа

Кириш.....	4
1-БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ БАРПО ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	9
1.1.Эркин иқтисодий зоналарнинг моҳияти ва жаҳон ҳўжалик тизимида тутган ўрни.....	8
1.2. Эркин иқтисодий зоналарнинг кўринишлари ва ўзига хос жиҳатлари.....	16
2-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ	
2.1 Жанубий Кореядаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиши...	24
2.2 Корея Республикаси иқтисодиётда “Масан” ЭИХ тутган ўрни.....	34
2.3 Ўзбекистон Руспубликасида эркин иқтисодий ҳудудларини ривожлантиришда Корея Республикаси тажрибасидан фойдаланиш.....	42
ХУЛОСА.....	46
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	49

**Битирув малакавий иши химояга тавсия этилади**

<p>“ХМИ ва мамлакатшунослик” факультет декани, И.ф.н.,доц. Хакбердиев Қ.Қ. “ _____ ” _____ 2012-й.</p>	<p>“Хитойшунослик ва коряшунослик” кафедра мудири И.ф.н.,доц.Г.Мелибаева “ _____ ” _____ 2012-й.</p>
--	--

## КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Хозирги даврда жахон хужалиги ривожинтерацион жараёнларни жадаллаштириш ва миллий иктисодиётларнинг очиклик даражаси билан белгиланади. 1995 йил ташкил этилган бутун жахон савдо ташкилотининг (БСТ) дунё хужалигининг алокалари ва дунёлараро меҳнатнинг таксимланишига янада кушимча ижобий туртки булди.

Хозирги кунда экспорт ихтисослиги умумиктисодий стратегияда нафакат купчилик саноати ривожланган, балки барча янги индустриал мамлакатларда ҳам, шуунингдек ривожланаётган ва итисоди утиш жараёнида булган давлатларда ҳам устуворлик килади. Эркин иктисодий ҳудудлар экспортга йуналтирилган стратегиянинг муҳим ташкилий қисмларидан бири ҳисобланади. Улар маҳаллий ва хорижий капитални жалб қилиш учун, экспортни кенгайтириш, валюта даромадини устириш, янги технологияларни куллаш имкониятини яратиш, тулов баланси ҳолатини яхшилаш ва умуман миллий итисодни ривожлантириш ва уни жахон иктисодиётига самарали интеграциялаш учун яратилади.

Корея Республикасида эркин иктисодий ҳудудлар 1970 йилнинг бошидан мавжуд экан, унинг тажрибаси купгина ривожланаётган иктисодиёти утиш жараёнидаги давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси учун ҳам фойдалидир. Мамлакатнинг иктисодий ривожланиши экспорт орқали таъминланган, чунки ички сектор чидамли иктисодни ташкил этиш учун жуда кичкинадир.

Мамлакатнинг экспорт базасини ривожлантириш чет эл маблағини жалб этиш, эркин иктисодий ҳудудни яратиш эса уни олиб кириш йулларидан бири булиб, миллий саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш йулларидан биридир.

Мисол тариқасида ривожлантириш акти 1970 йил қабул қилинган Масан эркин экспорт ҳудудини куриб чиқишни таклиф қиламиз.

Бозор иктисодиёти урнатиш жараёнида булган Ўзбекистон

Республикаси учун ЭИХ яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Республикамиз ҳукумати томонидан 1996 йил «Эркин иқтисодий ҳудудлар» 220-1 сонли қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга Ўзбекистон Республикаси томонидан 25.04.2003 й №482-П, 14.12.2005 й УРК – 11, 10.10.2006 й. УРК №59, Эркин иқтисодий ҳудуд Олий мажлис қарори билан Вазирлар маҳкамаси қўрсатмаси орқали яратилиши ҳақидаги ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу қонунчилик актида шундай дейилган: ЭИХ – махсус ажратилган узининг бошқарув чегараларига ва махсус ҳуқуқий тартибга эга ҳудуд бўлиб маҳаллий ва хорижий капитални жалб қилиш ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожини жадаллаштириш учун юксак технология ва бошқарув тажрибасига эга ҳудуд.

Ўзбекистон Республикаси президенти И. Каримовнинг таклифига биноан 24август 2011 йилдаги Корея Республикасининг президенти Ли Мён Бакнинг навбатдаги ташрифи юқоридаги фикрларнинг далили бўлла олади. Узаро музокарада шу нарса қайд қилиндики, ушбу учрашув келажакдаги ҳар томонлама муносабатларни жадал ривожланиши жараёнидаги муҳим давр бўлиб, уларнинг ҳолатини урганишда ҳар томонлама яхши имконият, келажакдаги вазифаларни белгилаш ва динамик равишда ривожланаётган ҳамкорликни биргаликда амалий мазмун билан тулдирилиши алоҳида қайд этилди.

Шу муносабат билан Корея Республикасининг эркин иқтисодий ҳудудни яратиш, ишга қиритиш ва бошқариш соҳасидаги тажрибаси муҳим аҳамиятга эга.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг жаҳон хўжалик тизимида тутган ўрни ва роли қўплаб мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи — олимлар томонидан чуқур ўрганилган. Жаҳонда эркин иқтисодий ҳудудларининг ривожланишини ўзига хос хусусиятлари, унинг моҳиятини ўрганиш ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон илмий-иқтисодий адабиётларида

ёрита бошланди. ЭИХларнинг моҳияти, хусусиятлари ва турлари каби масалалар хорижлик иқтисодчи-олимлар Е. Ф. Авдокушин, О.Т. Богомолова, С.Ю. Глазьева, С.П. Глинкиной, Л.З. Зевина, А.Н. Быкова, Т.П. Данько, Н.В. Смородинской, И.П. Фаминского, Е.С. Чмырь, Б.А. Хейфец. ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларининг назарий услубий масалалари, турлари ва уларнинг таснифланиши, шунингдек жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни каби масалалар бўйича ўзбек иқтисодчи олимлар Алимов А., Ахмедов Н., Бекмурадов А., Бухарова Ф., Мирзаалиева С., Тўхлиев Н., Зиёдуллаева Л., Халикулов А., Шодиев ., ларнинг илмий тадқиқотларида муайян даражада ёритилган.

**Битирув-малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.** Битирув-малака ишининг асосий мақсади Шарқий Осиё мамлакатларининг эркин иқтисодий ҳудудларини ўрганиш иқтисодиётдаги ўрнига баҳо беришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- Эркин иқтисодий ҳудудларнинг моҳияти, хусусиятлари ва турларини илмий жиҳатдан асослаш;
- Жанубий Кореядаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланишини ўрганиш;
- Масан эркин иқтисодий ҳудуднинг иқтисодиётда тутган ўрни
- Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилишида йирик инвесторлардан бири Корея Республикасининг ролига баҳо бериш;
- Мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларини ривожлантиришда Корея Республикасини тажрибасидан фойдаланишни асослаб беришдан иборат.

**Битирув-малака ишининг таркиби.** Битирув-малака иши кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Илмий ишнинг ахборот базаси манбаи** сифатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги, Давлат Статистика Қўмитаси, **Ташқи** Иқтисодий Алоқалар Агентлиги, Хитой Халқ Республикаси 1иллий статистика органлари, шунингдек, Жахон Банки, Халқаро мота Фонди ҳамда вақтли матбуот материалларидан фойдаланилди.

**Битирув-малакавий ишнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда ўз аксини топади:

— турли иқтисодий карашлар ва услубий ёндошувларни умумлаштириш асосида эркин иқтисодий зоналарнинг моҳияти очиб берилган ва эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг ижтимоий — иқтисодий натижаларига баҳо берилган;

— жахон тажрибасини ўрганиш асосида эркин иқтисодий зоналар таснифлаштирилган ва уларнинг ўзига хос жихатлари асосланган;

— Корея Республикаси иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналар барпо этишнинг иқтисодий шарт -шароитлари ва омиллари аниқланган;

— эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш бўйича Корея Республикасини тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш йўналишлари асослаб берилган;

**Битирув-малакавий ишнинг амалий аҳамияти** шундан иборатки, тадқиқотда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга юрий этилиши Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай макроиқтисодий мухит шаклланишига олиб келади. Ишнинг натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий-амаалий таклиф ва тавсиялардан тегишли вазирликлар, илмий тадқиқот муассасалари томонидан эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Битирув-малакавий ишнинг таркибий тузилиши:** кириш, 2 та боб, 6 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

## **1-БОБ. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАР**

### **1.1. Эркин иқтисодий зоналарнинг моҳияти ва жаҳон хўжалик тизимида тутган ўрни**

XXI аср бошларида, эркин иқтисодий зоналар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисми сифатида жаҳон хўжалигида муҳим ўрин тутди. Эркин иқтисодий зоналарнинг жаҳон хўжалик тизимида тутган ўрни, энг аввало, шу билан белгиланадики, улар халқаро товар алмашинувини фаоллаштириш, инвестицияларни сафарбар этиш, иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш эвазига жадал иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Хозирги кунда, фан ва техника тараққиёти таъсирида халқаро меҳнат тақсимооти ва ихтисослашувининг чуқурлашиб бориши XX асрнинг сўнгги чорагида жаҳон хўжалик тизимининг ривожланишида глобаллашув ва халқаро интеграция жараёнларининг жадаллашувига олиб келди. Бунинг натижасида миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозорига боғлиқлиги кучайди ва ташки иқтисодий фаолият иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг асосий шартларидан бирига айланди. Мана шундай шароитда ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий салоҳияти ва нисбий афзалликларига таяниб экспорт салоҳиятини ошириб боришга ва шу орқали жаҳон хўжалик тизимида ўзига хос ва муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилади.

Жаҳон хўжалик тизими ривожланишидаги бундай янги тенденциялар халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шаклларини вужудга келишига ва тараққий топишига олиб келди.

Эркин иқтисодий зоналарнинг вужудга келиши 1973 йилда имзоланган Киото конвенцияси билан боғлиқ бўлиб, ушбу конвенцияга мувофиқ бундай зоналар ташқи савдонинг махсус шакли сифатида тан олинди. Бу ҳудуддаги товарлар божхона ҳудудидан ташқарида деб тан олинади.

Киото конвенциясидан сўнг эркин иқтисодий зоналар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кенг ривожланди. XX асрнинг 90-йиллари охирларида жаҳон бўйича бир неча мингдан зиёдроқ турли кўринишдаги эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатди. Мутахассислар фикрига кўра, 2000 йилда жаҳон товар айланмасининг 30 фоиздан зиёдроғи мазкур зоналар ҳиссасига туғри келди. Халқаро корпорациялар ўз фаолияти учун имтиёзли шарт—шароитларни таъминлаш мақсадида эркин иқтисодий зоналарга энг юқори фойдани олишга эришишни кафолатловчи қулай ҳудуд сифатида қарайдилар. Йирик трансмиллий компаниялар эркин иқтисодий зоналарда ўз ишлаб чиқариш турларини ташкил этипши узларининг муҳим стратегик вазифаси деб ҳисоблайдилар. Эркин иқтисодий зоналар миллий иқтисодий ҳудуднинг бир қисми бўлиб, у ерда мамлакатнинг бошқа қисмларида фойдаланилмайдиган махсус имтиёзлар ва энгилликлар тизими амал қилади. Одатда кўп ҳолларда эркин иқтисодий зоналар у ёки бу даражада алоҳидалашган ҳудуд сифатида намоён бўлади.

Илмий нашрларда ва халқаро иқтисодий ташкилотлар дисоботларда турли хил имтиёзлар ва энгилликлар тақдим этилган зоналарни тавсифлашда "эркин иқтисодий зоналар" атамасидан фойдаланилади. Кўплаб мамлакатларда қўлланиладиган махсус иқтисодий қоидалар, дастаклар, махсус маъмурий қонунлар ушбу ҳудудларни муайян ҳуқуқий ва ҳўжалик тартибидан озод қилмайди, балки, уни энгиллаштирили, тадбиркорликни рағбатлантирувчи имтиёзларни тақдим этади.

Ҳақиқатда давлат мазкур ҳудудларда ўзининг тартибга солиш вазифаларини бирмунча қисқартиради.

Бундай ҳудудлар учун кўпроқ "махсус иқтисодий ҳудудлар" атамаси кўпроқ мос келади.

Эркин иқтисодий зоналарда миллий ва хорижий тадбиркорлар учун алоҳида имтиёзли иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, улар ташки савдо, умумиқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва илмий -технологик вазифаларни ечишга ёрдам беради.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг мақсади-ушбу ҳудудларни ташкил этаётган мамлакатларнинг ижтимоий— иқтисодий ривожланиш даражасига, уларнинг иқтисодий стратегиялари ва устувор йўналишларига боғлиқ. Шу сабабли дай ҳудудларни ташкил этиш мақсадлари ва сабаблари ҳар бир аниқ вазиятда бир-биридан фарқ қилиши мумкин ва улар ҳақиқатда бир- бирларидан фарқ қилади.

Чунончи, АҚШ, Франция, Буюк Британия каби саноати ривожланган мамлакатларда эркин иқтисодий зоналар ташки иқтисодий фаолиятини фаоллаштириш, депрессив районларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган минтақавий снёсатни амалга ошириш, минтақавий тафовутларга барҳам бериш учун ташкил этилган. Бундай районларга тадбиркорлар учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан, кенгроқ ИҚТИСОДИЙ ҳуқуқлар ва молиявий ресурслар тақдим этилади.

Шунга ўхшаш мақсадда қатор ривожланаётган мамлакатларда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган бўлиб, мазкур мамлакатларда ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, асосий эътибор хорижий инвестицияларни, илғор технологияларни жалб этишга, саноатни модернизациялашга, ишчи кучининг малака даражасини оширишга қаратилади.

Умумий кўринишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мақсади кенг кўламли бўлиб, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- илғор технологияларни (миллий технологияга нисбатан) жалб этиш;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали иқтисодий фаоллаштириш;

— валюта тушумларига эга бўлиш ва шу орқали валюта захираларини ошириш;

— ички истеъмол бозорини тўйинтириш;

— аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва ишчи кучининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш;

— иқтисодий бошқариш, халқаро тадбиркорлик, замонавий бозор иқтисодиёти соҳасида жақон тажрибасини ўзлаштириш;

— бозор инфратузилмаси муассасаларини ривожлантириш;

— "депрессив районларни" жадал ривожлантириш ва бошқалар.

Эркин иқтисодий зоналарга хорижий капитални жалб этишнинг иқтисодий механизми турли — туман бўлиб, уларнинг юсийлари қуйидагилардан иборат:

— ускуналар, хом ашё ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ташкил этувчилари импортини божхона божларидан тўла ёки қисман озод этиш;

— фойдага солинаётган солиқларга имтиёзлар жорий этиш;

— даромад солиғидан тўла ёки қисман озод қилиш;

— экспорт имтиёзларини жорий этиш ва мамлакатнинг бошқа смларидан олиб келинадиган ускуналар, хом ашё ва ишлаб қаришнинг бошқа ташкил этувчиларини рағбатлантириш бу

— экспортга имтиёзли шарт—шароитлар жорий этиш;

— маҳаллий солиқлардан озод қилиш;

— хорижий инвестицияларнинг барча шакллариغا рухсат бериш;

— экспорт ва импортни имтиёзли лицей зиялаш;

— фойдани эркин ўзлаштиришга имконият яратиш;

— эркин иқтисодий зонада миллий валютанинг қисман ёки тулиқ эркин алмашувини таъминлайдиган алоҳида валюта режимини жорий этиш;

— коммунал хизмат, транспорт тарифлари учун пасайтирилган

ижара тўловларини тақдим этиш;

— жадаллаштирилган амортизацияни жорий этиш;

— замонавий бозор инфратузилмасини ҳамда хизматлар тармоқларини барпо этиш;

— хорижий ва аралаш корхоналарга давлат кафолатлари ва имтиёзларини тақдим этиш ва бошқалар.

Эркин иқтисодий зоналар уларни таъсис этувчилар учун очик иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг мухим халқаси ҳисобланади. Уларнинг фаолият кўрсатиши ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва фаоллаштириш жараёнлари' билан боғлиқ. Эркин иқтисодий зоналарда иқтисодиётнинг даражаси юқори бўлиб, божхона, солиқ ва инвестиция учун шароитлари ички ва ташқи инвестициялар учун қулай ҳисобланади.

XX асрнинг сўнгги ўн йилида давлатлар ўртасида бошқа мамлакатлардан хорижий инвестицияларни жалб этиш учун солиқ ва бошқа имтиёзлар соҳасида кескин рақобат авж олмоқда. Жахон амалиётида эркин иқтисодий зоналарни барпо этишнинг икки йўли мавжуд.

Биринчи йўналишида ҳудудий ёндашиш, яъни эркин иқтисодий зоналарга аниқ, конкрет ҳудуд деб қаралиб, бу ҳудудда зарурий имтиёзли тартиб ўрнатилади.

Иккинчи ёндашиш эса режали, яъни эркин иқтисодий зоналарга комплекс (мажмуаи) корхона деб қаралади ҳамда унга аниқ шароитлар ва устунликлар берилади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишда қуйидаги шароитлар бўлиши зарур:

— эркин иқтисодий зоналар ташкил этилаётган мамлакатларда ва минтақаларда сиёсий барқарорлик;

— эркин иқтисодий зоналар ҳуқуқини белгилаб берувчи барқарор қонуний асос;

— эркин иқтисодий зоналар табиий-географик шароитларининг қулай бўлиши, агро — иқлимий ресурсларнинг мавжуд бўлиши, қўшни иқтисодий ҳудудларнинг у билан боғлиқ бўлиши, транспорт магистралларига яқин бўлиши;

— алоқа, транспорт, ижтимоий шароитлар, энергетиканинг яхши ривожланган инфратузилмаси;

— эркин иқтисодий зоналарга хизмат кўрсатадиган ривожланган тижорат инфратузилмаси (банклар, консалтинг ва юридик фирмалар, аудиторлик ташкилотлари транспорт хизматлари);

— эркин иқтисодий зоналар маъмурий бошқарувида самарали тузилманинг мавжудлиги.

Эркин иқтисодий зоналар капитал ҳаракатланишининг

Имтиёзли шароитларини таъминлашга, хорижий инвестицияларнинг ўсишига, мамлакатнинг айрим иқтисодий минтақаларига ишлаб чиқариш омиллари (сармоя, ишлаб чиқариш асосий воситалари, юқори малакали бошқарув аппарата) оқимининг кучайишига олиб келади.

Эркин иқтисодий зоналар миллий иқтисодиёт учун қуйидаги афзалликларни келтириб чиқаради:

— маҳаллий табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

— янги техника ва технологияларнинг кириб келишини таъминлаш;

савдо — иқтисодий операцияларини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган товар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

— миллий ва минтақавий иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш;

-аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали ишсизлик даражасини пасайтириш;

— аҳоли фаровонлигини ўстириш, даромадлар миқдорини ошириш, юқори сифатли товарлар билан минтақавий бозорларни тўлдириш;

— халқаро кредитлар учун қулай шароитлар яратиш,

молиялаштиришнинг янги манбаларини излаб топиш;

— юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун янги имкониятларни яратиш.

Айни вақтда эркин иқтисодий зоналар ушбу ҳудудга мнвестициялар киритаётган сармоядорлар учун ҳам фойдали бўлиб, бу энг аввало, қуйидагиларда ўз аксини топади:

— сармоядорлар ушбу ҳудудда жорий этилган имтиёзли солиқлар туфайли ўз фойдаларини максималлаштириш имкониятига эга бўладилар;

— эркин иқтисодий зоналарда ускуналар, хом ашё ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ташкил этувчилари импортнинг божхона божларидан тўла ёки қисман озод этилиши кам харажатлар эвазига ускуналарни олиб кириш ва ўрнатиш имкониятини беради;

экспортга имтиёзли шарт — шароитлар жорий этилиши туфайли экспорт маҳсулотларининг таннархини пасайтиришга имконият пайдо бўлади;

— эркин иқтисодий зоналарда хорижий инвестицияларнинг барча шаклларида фойдаланиш имконияти вужудга келади;

— хорижий сармоядорларда эркин иқтисодий зоналардан олинган фойдани эркин ўзлаштириш имконияти яратилади;

— эркин иқтисодий зонада миллий валютанинг қисман ёки тўлиқ эркин алмашувини таъминлаш валюта опрецияларини эркин амалга оширишга шарт —шароит яратади;

— эркин иқтисодий зоналардаги арзон ишчи кучи туфайли уз | маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш ражатларини камайитиришга эришадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда давлат ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу, энг аввало, эркин иқтисодий зоналар ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини барпо этиш зарурияти билан асосланади.

Кўплаб мамлакатларда, хусусан, Хитой, Гонконг, Тайвань, Ирландияда мазкур масала конституцион даражада ҳал этилган бўлиб, ушбу мамлакатлар конституциясининг айрим моддаларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш масаласи қайд этилган. Шунингдек, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида эркин иқтисодий зоналар туғрисида қонунлар қабул қилинган. Чунончи екистонда ҳам "Эркин иқтисодий зоналар туғрисида" қонун қабул қилинган бўлиб, унда эркин иқтисодий зоналарни ташкил ютиш тамойиллари, усуллари, эркин иқтисодий зоналарга сармоя киритаётган хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган. Бошқача қилиб айтганда, республикамизда эркин иқтисодий зоналар ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Юқоридаги фикр — мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, шунини таъкидлаш лозимки, эркин иқтисодий зоналар очиқ иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишнинг, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этишнинг муҳим омили бўлиб, ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш миллий иқтисодиёт фаолият курсатишининг самарадорлигини оширишда, ижтимоий масалаларни, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик муаммосини юмшатиш, аҳоли даромадларини муттасил ошириб бориш, иқтисодиётга янги техника ва илғор технологияларни жалб этиш, замонавий бошқарув ва менеджмент тамойилларидан фойдаланиш имконини беради.


## **1.2. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг турлари ва вазифалари**

Эркин иқтисодий ҳудуд таснифи. ЭИХни таснифланиши бу фақатгина уларга таъриф бериш эмас балки, уларни тадрижий ривожланишини ишлаб чиқаришга асосланади. Бу оддий эркин ҳудудини янада ривжланган ҳудудга айлантиришнинг энг осон йўлидир.

Замонавий жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг 25дан ортиқ тури мавжуд. Эркин иқтисодий ҳудуднинг моҳияти ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. У ёки бу эркин иқтисодий минтақага таъриф бериш яна шунинг учун мураккабки, битта эркин иқтисодий ҳудуд бир неча турининг хусусиятларига эга бўлиши мумкин. Лекин номидаги ва ташкилий-функционал жиҳатдан фарқланишига карамай, эркин иқтисодий ҳудудларни бир қанча умумий жиҳатларига кўра гуруҳлаш мумкин.

### 1.1. -расм

#### Эркин иқтисодий ҳудуд турлари



Бу ҳар доим ўзгариб турадиган иқтисодий таркибидир, у иқтисодий ҳудуд деб номлади.

**1. Савдо-омбор ҳудуди (The Store and trade zones)** Бу ҳудудда чет эл товарлари оддий божхона тўловсиз сақланиши ва сотилиши мумкин. Бу ҳудуд 3 хусусиятга эга:

а) улар дунё бозорига хизмат кўрсатиш учун ташкил этилади;

б) бу ҳудудда давлат бошқа қисмларидан фарқли равишда солиқ ва божхона назоратидан имтиёзларга эга бўлади.

в) шу ҳудудда давлат ташқи савдоси ривожланади. Савдо омбор жойлари нафақат товарларни сотиш ва сақлаш учун балки айнан шу товар қайта ишлаши ва яхшиланиши учун ҳам хизмат қилади.

Уларнинг ҳудудида кўриклар ташкил этиш савдони юритиш банк ва суғурта хизматларини намоиш этиш мумкин, бу учун савдо солиқларидан тўлов олинмайди. Барча савдо омборлари сув портларида темир йўл ва аэропорт портларида яни, товар транзит жойларида ташкил этилади.

**2. Эркин савдо ҳудуди (The zones of the free trade)** Эркин савдо ҳудуди-бу шундай “тижорат маркази”ки, унинг иши тавар айланмаси ва ташқи савдони тезлатиши керак. Уларнинг ҳудуди чегараланган бўлиб, ҳудуди давлат божхонасидан ташқаридаги қисм ҳисобланади. Бундай ҳудуд эркинлиги деганда ҳудуддаги барча тўловлар, шунингдек божхона ва импорт тўловлари молия назоратидан озодлик тушунилади. Эркин ҳудудга кираётган товар декларация қилинмайди, лекин божхона маъмурияти уни ички назорат қилишга ҳақли бу таъқиқланган. Товар олиб кирмаслиги ва контрабанда авж олмаслигини олдини олади. Бу ҳудудга кирган товарлар сақланаётганда улар жойлаштирилади, маркаланади, ва назорат қилинади. Бу ҳудудда сақланаётган товарни сақлаш муддати чегараланмаган. Сақлаш тўлови эса уларнинг сақлаш муддати, сақлаш ва суғурта турларига боғлиқ.

**3. Эркин божхона ҳудуди (The free customs zones)** Тўловсиз савдо ва омбор ҳудудларининг энг замонавий кўриниши бўлиб, бу

эркин божхона ҳудудидир. Улар ташқи иқтисодиёт ривожини учун ташкил этилади. Бундай ҳудудларни бошқача қилиб махсус ва тўловсиз, ҳаттоки эркин божхона ҳудудиди деб аташади. Бу ҳудудлар одатда сув, хавза ва ҳаво портларида, темир йўл магистралларида, шунингдек алоҳида импорт маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ҳудудларида жойлашган бўлади. Бу ҳудуд кема ва бошқа транспорт турларини етказиб бериш билан шуғулланади. Бу шундай тўловсиз ҳудудки, давлатнинг бир қисми бўлиши билан бирга молия жиҳатидан чегарадан ташқаридаги ҳудуд каби кўрилади. Улар давлат айланмаси билан бирга халқаро транзит операцияларини таъминлайди. Товарлар эркин божхона ҳудудида туриш муддати чегараланмаган.

Имтиёз бериш тартиби эркин божхона ҳудудида божхона тўловларини енгиллаштиришга асосланган. Чет эл давлатларидан давлат ҳудудига олиб кирилган товардан импорт тўлови олинади. Молиявий хизматлар турлари рағбатлантирилади.

#### **4. Экспорт ва ишлаб чиқариш (The export-production zones)**

Бу ҳудудни бошқача қилиб “экспорт қайта ишлаш ҳудуд” ва “экспорт рағбатлантириш махсус ҳудуди” деб ҳам номлашади. Улар ўзидан миллий ҳудудда жойлашган божхона назоратини акс эттиради, одатда халқаро портларга яқин жойда жойлашади. Тадбиркорлар миллий товарлар истеъмоли ва уларни етказиб бериш учун рағбатлантиришади. қўлланилаётган тезкор амортизация усули инвесторларга асбоб ускуналарни тез вақтда кўчириш имконини беради. Арзон ишчи кучи ўртасида рақобатни қўллаб қувватлаш учун меҳнат тартибига айрим ўзгариш ва имтиёзлар киритилади.

**5. Комплекс ҳудудлар (The complex zones)** Бу ҳудудлар юқоридаги барча ҳудудларларни ўз ичига олади. Тадрижий ривожланишга асосан комплекс ривожлантириш барча ҳудудларда

ривожланишга нисбатан энг замонавий усулдир. Бу ҳудудлар ўз ичига савдо божхона ишлаб чиқариш ва фан ва техника ривожланишини ўз ичига олади. Бу ҳудуд ўз ичига бирлашган тадбиркорликни олади.

**6. Эркин фан-техника ҳудуди** (The free scientific-technical zones) Эркин ва техника ҳудудини технополис ва технопарк деб ҳам номлашади. Технологик парк деганда субект тадбиркорлик шартини тامينловчи замонавий бозор стандартларига жавоб берган зарур комплекс хизматлари тушунилади. Технопарк эса замонавий дунё талабига жавоб берувчи бозордир. Технопарклар кичик бизнес ривжланишида катта ўрин тутди. Қилаётган ишига қараб технопарклар илмий ва илмий кузатиш (ИТТКИ товари, тажрибали намуналар ва маҳсулот кичик сериялари) бўлиши ҳам мумкин, (ислоҳот товарлари-фундаментал кузатиш натижаси). Божхона ва кредит имтиёзлари дастлабки фирмалар ишини ва катта ислоҳотлар олдида фирмаларга қўшимча енгиллаштиришлар киритишни ўз ичига олади.

Технопарклар ҳозирги вақтда бошқача тузилишга ҳам эга. Бундай хилма-хиллик қуйидаги ҳудудлар олиб борилаётган фаолияти талаб ва мақсадларига жавоб беради

1) Илмий парк (Science park) у университет ва илмий марказлар ёнида қурилган бўлади. Уларни асосий мақсади илмий тараққиётни янада ривожлантириш, ҳеч қандай моддий товар ишлаб чиқмайди.

2) Инновация маркази (Innovation centre)- бундай марказ асосий мақсади марказдан ташқарида ишловчи, лекин бозорда ўз ўрнига эга бўлган тадбиркорларни (технология, молия ва савдо-сотик саволларга жавоб бериш) қўллаб –қувватлаш.

3) Тижорат парки (Commercial park)- бундай парк ўз номи билан ишлаб чиқариш, кўриклар ташкил этиш, тайёр товарга қўшимчалар киритиш билан шуғулланади.

4) Технологик қутб (Technology polus) бу ўзидан жиддий тузилишга эга ҳудудни намоиш этади. Юқори малакали ишчи кучи инкубатор хизматлари банк ва бошқа хизмат турларини ўз ичига олади.

5) Технологик ҳудуд (Technology zirsum) бу юқоридаги ҳудуднинг барча хусусиятлари ва ривожланган қисм, шунингдек илмий паркни ўз ичига олади.

6) Саноат парки (The industry park) -Одатда саноат парклари бир соҳада ихтисослашмаган бўлади. Ривожланмаган тузилишга эга бўлган вилоятларда жойлаштирувчи ишлаб чиқарувчиларга ёрдам кўрсатиб, уларни жойлаштириш учун фойдали шароит таклиф қилади. Уларни саноат паркига жойлашган муддати чегараланмайди.

7) Тижорат инкубатори (The business-incubator) -Саноат паркдан фарқли бу ҳудуд қайта тузилган корхоналар ишини қайта ривожлантириш учун хизмат қилади. Уларнинг ихтиёрига яхши ҳақ эвазига корхона ижараси ва қўшимча хизматлар (телефакс, компьютер, комуникатсия ва х.к) менеджментни кўллаб қувватлайди. Тижорат инкубаторига янги ишчи азоларни таклиф этиш одатда янги корхона очилиши билан боғлиқ бўлади. Берилган муддат тугаши билан улар ўз ишчи жойини янги ишчиларга бўшатишлари керак.

8) Илмий-техник парк (Science-technology park)– бу парк бир нечта корхоналар бирлашмаларидан ташкил топган бўлиб илмий-техник парк мақомини манзараси ва қурилиш жиҳатидан олади. Бу ҳудуд фақат товар ишлаб чиқиш ва ўрганиш жойи эмас балки, ишчиларнинг яшаш жойи ҳисобланади. Бу ҳудудда яшаш муддати чегараланмаган.

ЭИХнинг бу кўринишлари ҳаммаси эмас. БМТ тадқиқотлари натижаларига қарайдиган бўлсак ҳозир, ЭИХни ўнлаб турлари мавжуд. Демак, шундай хулосага келамизки, эркин иқтисодий ҳудудлар барча ҳилма-

хиллик натижасида, ҳатто энг талабчан инвестор талабларини қондира олади. Уларнинг кенг имконияти давлат муҳтож бўлган тармоқни ривожланишига олиб келади. Масалан савдо-омбор ҳудудлари фойдаланилмаётган жойларни ишлатишда, экспорт ҳудудлари товар ва хизматларни етказиб беришда фойдаланилади.

Шундай қилиб эркин иқтисодий ҳудуд таснифи уларни турларини қандай иш бажаришига қараб гуруҳларга бўлишга олиб келади. ЭИХ тузаётган давлат мақсадлари турлича бўлади.

Баъзи давлатлар ҳудудларни иқтисодий механизм ўрнида ишлатса, баъзилари чет эл технологияларини жалб этишда, қолганлари эса давлат босимини камайтириш учун ишлатади.

### Эркин иқтисодий ҳудудларнинг гуруҳлари

1.2. -жадвал



**Манба: Авдокушин Е. Ф. Свободные (специальные) экономические зоны. М., 1993 асосида талаба томонидан таҳлил қилинди.**

ЭИХни шакллантириш шартлари. ЭИХ тузишни барча мақсад ва таклифлари уни чет эл инвесторлари учун тузишда амалага оширилса

бўлади. Шу мақсадда яхши ЭИХ тузишнинг бир неча омилларини айтиб ўтамиз.

1.Сиёсий ўсиш давлатда яхши инвестицияларни жалб этувчи асосий омилдир.

2.Хақларни кафолатловчи қонун чиқарувчи база борлиги инвесторларни давлатга бўлган қизиқишини ортттиради.

3.Яхши тузилган инфратузилмалар борлиги (ишлаб чиқариш ва тижорат)

4.Табиат географик шароити ҳам энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

5.Ихтиёрий инвесторни жалб этувчи омил бу яхши ривожланаган иқтисодий муҳит.

ЭИХни ривожланишининг яна бир омилларидан бири бу инвесторларга кўрсатилаётган имтиёзлар тартиби, чунки ҳар бир инвестор капитал кўйишдан олдин имтиёзлар системасини ўрганиб чиқади.

ЭИХ тузишдан олдин давлатнинг шу региони ўзини имтиёзлар тартибини ишлаб чиқиши зарур. Малакамиз шуни кўрстаб турибдики, ҳар бир ҳудудда бошқасига ўхшамас имтиёзлар мавжуд бу эса шу ҳудуд дастурига боғлиқ. Аммо иқтисодий адабиётларда 4та асосий имтиёзлар келтирилган.

Тадбиркорликни айнан бир турини ривожлатириш учун фискал имтиёзлар. солиқ ставкаси даромад солиғи ўрнида қўлланади. Улар тадбиркорни вақтинча божхона тўловларидан озод этиш бн белгиланади.

Молиявий имтиёзлар-имтиёзларнинг бу турида ер, ишлаб чиқариш жойи, инфратузилма объектлари, коммунал хизматлар учун арзон тўлов олинади. Бошқача қилиб айтганда молиявий имтиёз бу бюджет ҳисобига давлат кредитидан фойдаланиш.

Маъмурий имтиёзлар эса одатда ЭИХ томонидан корхоналар рўйхатдан ўтиши, чет эл фуқаролари кириши ва чиқиши тартибларини

енгиллаштириш учун киритилади. Маъмурий имтиёзлар чет эл инвесторларини жалб этишни энг осон усули бази бир пайтларда бу усул энг хал қилучи ҳамдир.

Ташқи савдо имтиёзи. Улар ташқи савдо тартибини енгиллаштириш шунингдек импорт ва экспортга тўловни камайтириш билан боғлиқ бўлади.

Баъзи мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, бу асосий имтиёзлар ҳар ҳил вазиятда турлича кўринишда бўлади. Лекин ҳар доим ҳам чет эл капиталини жалб эта олмайди.

## **II-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **2.1 Корея Республикасидаги эркин иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиши**

Корея Республикаси иқтисодий ўсиш модели ўрганилиб чиқиб, унинг ривожланишига қуйидаги 5 та асосий омил таъсир этганлигини кўрдик:

- Давлат-ислоҳотчи;
- Аралаш иқтисодиёт;
- Экспортга йўналтирилган;
- Самарали макроиқтисодий сиёсат;
- Самарали инфраструктура;

Бу мамлакатларда импорт ўрнини босувчи сиёсатдан экспортга йўналтирилган сиёсатга ўтишни жуда тез амалга оширган. бу иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналиши сифатида Шарқий Осиёдаги Жанубий Кореянинг экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Корея Республикасида эркин иқтисодий ҳудудлар 1970 йилнинг бошидан мавжуд экан, унинг тажрибаси купгина ривожланаётган иқтисодиёти утиш жараёнидаги давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси учун ҳам фойдалидир. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши экспорт орқали таъминланган, чунки ички сектор чидамли иқтисодни ташкил этиш учун жуда кичкинадир.

Мамлакатнинг экспорт базасини ривожлантириш чет эл маблағини жалб этиш, эркин иқтисодий ҳудудни яратиш эса уни олиб кириш йулларидан бири булиб, миллий саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш йулларидан биридир. [3]

Мисол тариқасида ривожлантириш акти 1970 йил қабул қилинган Масан эркин экспорт ҳудудини куриб чиқишни таклиф қиламиз. Ушбу ҳудудни ташкил этишнинг илк мақсади хорижий инвестицияларни ишлаб

чикариш орхоналарига жалб этиш билан куйдаги турлича кизикарли таклифлар киритилди:

1. Солик имтиёзлари: корпоратив соликлар, даромадга солик, ер солигидан озод килиш;
2. Ижара имтиёзлари: база Тугридан тугри Хорижий инвестициялар фирмаларини тулик озод килиши давлат фирмаларининг умумий сотув микдоридан экспорт салмогига караб ижара тулови пасайишининг дифференциаллаштирилган жадвални яратиш;
3. Тарифлардаги имтиёзлар: ЭИХдан уз махсулотларини ички бозорга импорт килишда, махсулот учун таъриф ундирилади, махаллий хомашё ва ускуналар ёрдамида ишлаб чикарилган махсулот учун таърифдан озод килиниши;
4. Бошка имтиёзлар: бошлангич инвестициялар ва дивидендларнинг асосий кисмининг эркин трансферти кафолати иш билан таъминлаш ва укув тренинглари утказиш учун молиявий кумак, маркетинг ва бошка бошкарув масалаларидаги ёрдам; [4]

Бозор иктисодиёти урнатиш жараёнида булган Узбекистон Республикаси учун ЭИХ яратиш мухим ахамият касб этади. Узбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Республикамиз хукумати томонидан 1996 йил «Эркин иктисодий хуудлар» 220-1 сонли конуни кабул килинди. Ушбу конунга Узбекистон Республикаси томонидан 25.04.2003 й №482-П, 14.12.2005 й УРК – 11, 10.10.2006 й. УРК №59, Эркин иктисодий хууд Олий мажлис карори билан Вазирлар махкамаси курсатмаси оркали яратилиши хакидаги узгартиришлар киритилган.

Ушбу конунчилик актида шундай дейилган: ЭИХ – махсус ажратилган узининг бошкарув чегараларига ва махсус хукукий тартибга эга хууд булиб махаллий ва хорижий капитални жалб килиш ва хууднинг ижтимоий-иктисодий ривожини жадаллаштириш учун юксак технология ва бошкарув тажрибасига эга хууд. [5]

2-декабр 2008 йил Узбекистон Республикаси президенти И. А. Каримовнинг «Навоий вилоятида эркин иктисодий – индустриал худуди (ЭИИХ) яратиш» хакидаги қарори қабул қилинди.

Уша даврдан бошлаб икки йил ичида «Навои» ЭИИХга хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида зарур бўлган инфраструктуранинг меъёрий – ҳуқуқий базасини яратишда жадал иш олиб борилди.

Узбекистон Республикиси ҳуқимати томонидан «Навои» ЭИИХ руйхатдан утадиган қорхоналар учун имтиёзлар ва преференциялар берилди. Жумладан: руйхатдан утган хужалик субъектлари ер солиғи, мол-мулк солиғи, даромад, ободонлаштирилиш ва иктисодий инфраструктура, умумий солиқ тулови (кичик қорхоналар учун), Республика йул фонди ва Республика мактаб таълими фондига бўлган мажбурий туловидан озод қилинади. [6]

Эксплуатацияга қуйилган қорхоналар ишлаб чиқаришнинг турли йуналишлари, жумладан, электроника, автомобиль компонентларининг ишлаб чиқарилиши, полимерлар қайта ишланиши, озик-овқат саноати ва косметик буюмлар саноатини ташкил этади.

Улар қаторига Корея Республикаси билан ҳамкорликдаги бир неча лойиҳалар қиради. Масалан, «Узавтосаноат» АЖ ва «Erae es Ltd» (Корея) билан ҳамкорликда тузилган «UzEraeCable» қушма қорхонаси бир йилда 150 минг км. автомобиль симларини ишлаб чиқармоқда. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 13 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Маҳсулотнинг асосий истъемолчиси «GM Uzbekistan» заводи учун автомобиль жгутларини ишлаб чиқаруши «УзКоджи» қушма қорхонаси бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 20% яқин атрофдаги мамлакатларга экспорт қилиш режалашмоқда. Шунингдек, «Навоиазот» ОАЖ, «DK Cosmetics» (Корея) компанияси билан ҳамкорликда тузилган «Navoi Beauty Cosmetics» қушма қорхонаси ҳам истъемолчилар қаторидан жой олди. Қорхона ҳар йили 2,1 млн бирлик косметик маҳсулотни ишлаб

чиқаришни режалаштирилмоқда. [7]

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси уртасида сиёсат, иқтисод, маданият ва гуманитар соҳаларда дустлик ва ҳамкорлик алоқлари урнатилган.[8]

Ўзбекистон Республикаси президенти И. Каримовнинг таклифига биноан 24август 2011 йилдаги Корея Республикасининг президенти Ли Мён Бакнинг навбатдаги ташрифи юқоридаги фикрларнинг далили булла олади. Узаро музокарада шу нарса кайд килиндики, ушбу учрашув келажакдаги ҳар томонлама муносабатларни жадал ривожланиши жараёнидаги муҳим давр бўлиб, уларнинг ҳолатини урганишда ҳар томонлама яхши имконият, келажакдаги вазифаларни белгилаш ва динамик равишда ривожланаётган ҳамкорликни биргаликда амалий мазмун билан тулдирилиши алоҳида кайд этилди. [9]

Шу муносабат билан Корея Республикасининг эркин иқтисодий ҳудудни яратиш, ишга киритиш ва бошқариш соҳасидаги тажрибаси муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат экспорт базаси ривожланиши чет эл капиталининг оқимиغا боғлиқ бўлган бўлиб, эркин иқтисодий ҳудуднинг яратилиши инвестициялар жалб этишда асосий йўл бўлди. Бундан ташқари, эркин иқтисодий ҳудудлар миллий саноат рақобатбардошлигини оширишда рағбатлантирувчи жараён бўлди. Жанубий Кореяда эркин иқтисодий ҳудудлар шаклланиш жараёнини мамлакат иқтисодий ривожланиши стратегиясида қараб чиқиш зарурдир. Бу ҳам инвестиция капиталини тез суръатларда оширишга боғлиқдир. Ички бозор эмас, балки экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришда манфаати бўлган инвесторларни жалб қилишда ҳукумат эркин экспорт ҳудудларини яратишга қарор қилди.

Буларни барчаси режа асосида кўп меҳнат талаб қиладиган қишлоқ хўжалик майдонларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларни миллий экспортга улушини оширишга қаратилган эди.

## 2.1 -харита

### “Эркин иқтисодий ҳудудлар”нинг жойлашув харитаси

Корея Республикасида 1969-йилга қадар бевосита чет эл инвестициясини жалб қилишда чекловлар мавжуд бўлган. Бу чекловлар аста-секин инфратузилмани ривожланмаслиги ва трансмиллий корпорациялар билан ишлашда тажрибани йўқолишига олиб келди.

Бундан ташқари сиёсий ва ижтимоий барқарорликга нисбатан хавфлар мавжуд эди. Бунинг натижасида ҳукумат чет эл капиталини жалб қилишга ва миллий валютани оқиб кетишини олдини олиш бўйича рағбатлантирувчи дастур ишлаб чиқди. Дастлабки қонунчилик хужжати яъни экспортга йўналтирилган чет эл инвестициясини қўллаб-қувватловчи “Экспорт ҳудудларини яратиш” тўғрисидаги қонун (1970-йил 1-январдан кучга кирган) қабул қилинди. Бу эса Жанубий Кореяда эркин иқтисодий ҳудудлар яратилишда пойдевор бўлиб хизмат қилди.

1973-йилга келиб Жанубий Корея эркин иқтисодий ҳудудларида 120 млн. АҚШ доллар ҳажмга тенг бўлган чет эл инвестицияси билан 115 та лойиҳа амалга оширилган эди. Бу эса мамлакатнинг ўша даврдаги ялпи чет эл инвестиция ҳажмининг 10% ташкил этган эди.

## 2.1. -жадвал

### Бевосита хорижий инвестициялар ҳажми, млн.долл.

	2005	2006	2007	2008
<b>Жами</b>	<b>11563.5</b>	<b>11242.4</b>	<b>10514.4</b>	<b>11704.9</b>
Америка	3107.9	1942.1	3202.2	<b>1904.2</b>
Осиё	3513.7	4010.4	2334.7	<b>3280.5</b>
Европа	4874.4	5232.9	4617.8	<b>6477.8</b>
Яқин Шарқ	37.2	44.2	83.6	<b>26.8</b>
Африка	<b>32.2</b>	<b>12.9</b>	<b>276.2</b>	<b>15.6</b>

**Манба:** The Export-Import Bank of Korea маълумотлари.

1962-йилдан 1984-йилга қадар барча чет эл инвесторлари “Чет эл инвестициясини рағбатлантириш” тўғрисидаги қонунда мавжуд бўлган солиқ имтиёзлари дастуридан фойдаланишган. Бу дастур даромад солиғи, мулк солиғи, бундан ташқари божхона тўловлари ва импорт қилинаётган ускуналарга қўшимча қиймат солиқларига 50% имтиёзларни ўз ичига олган.

1984-йил июль ойида янги қонун қабул қилинган бўлиб, бу қонунга асосан фақатгина юқори технологиялар тармоғи учун солиқ имтиёзлари берилиши мумкин бўлган. Бундан ташқари, экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари учун махсус солиқ имтиёзлари белгиланди. Аҳамият бериш лозимки, минтақавий ривожланиш воситаси сифатида эркин экспорт ҳудудлари асосий иқтисодий районлардан узоқда шакллантирилган.

## 2.1 -жадвал

### Шаклланган Саноат комплекслари

Изоҳ	Масан	Иксан	Гунсан	Даебул
Минтақавий жойлашуви	Gyeongnam	Jeonbuk	Jeonbuk	Jeonnam
Тасдиқланган санаси	Янв. 1, 1970	Окт. 8, 1973	Окт. 6, 2000	Ноя. 21, 2002
Ҳудуди (1,000 кв.м)	1,019	307	1,253	1,157
Бошқарув шакли	Масан “Эркин савдо ҳудуди” маъмурият агентлиги	Иксан “Эркин савдо ҳудуди” маъмурият агентлиги	Иксан “Эркин савдо ҳудуди” маъмурият агентлиги	Иксан “Эркин савдо ҳудуди” маъмурият агентлиги

Тасдиқланган саноат комплекс турлари аэропорт ва денгиз портларига яқин жойлашган бўлиб, бу қулайлик орқали мамлакатдан юқларни олиб чиқиб кетиш ва олиб кириш енгиллашади. 2004-йилда “Эркин савдо

худудларини Тасдиқлаш ва Бошқариш тўғрисидаги” қонунга ўзгартиришлар киритилган бўлиб унга биноан ишлаб чиқариш нуқталарида логистика, дистрибьюторлик ва бошқа функцияларни бажарилишига кўмаклашишдир.

1970-йилда тасдиқланган Масан ва Иксан эркин савдо худудларида Sony, Nokia, Sanyo каби мултимиллий корпорацияларга ўз хизматларини кўрсатиб турмоқда. Гунсан ва Даебул 2000-йилда яратилиб тасдиқланган эркин савдо худуди бўлиб машинасозлик, автомобилсозлик, кемасозлик ва бошқа турдаги махсуслаштирилган худудий саноат тури билан шуғулланади.

Корея Республикасининг иқтисодий ривожланиш модели Япония моделига ўхшаб кетади. Шимолий Кореядан фарқли равишда Жанубий Корея тахминан 40 йил ичида юқори технологиялар саноатини барпо қилишга эришди.

1987 – йилда Кореянинг фан ва технология вазирлиги томонидан мамлакатнинг фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари белгилаб берилган 15 йиллик режаси ишлаб чиқилди. Унда микроэлектроника ва кимё саноати, информатика ва ишлаб чиқаришни автоматизациялаштиришга асосий урғу берилган эди. Ўтган асрнинг 80 – йилларидан мамлакатда илмий-ишлаб чиқариш парклари (технопарклар) ташкил этила бошланди. Молиявий ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги туфайли бу лойиҳада Корея ва чет элнинг катта компаниялари иштирок этди.

Технопаркларда ноёб технологияларни ишлаб чиқариш бўйича эксперимент ва тадқиқотлар олиб борилар эди. Ҳамда янги техника-технологиялар, маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқариш бўйича ишлар олиб борилар эди. Бу мақсадда ҳукумат ажратган маблағ 1960-1980 – йилларда ЯИМнинг 0,25% идан 0,58%игача кўтарилди.

## 2.1. -жадвал

**Корея Республикаси иқтисодиётига киритилган бевосита  
инвестицияларнинг тармоқ таркиби, млрд.долл.**

	2006	2007	2008	2006 й.га нисбатан 2008 й.да ўсиш, %
Иқтисодиёт соҳаларига, жами	11,24	10,51	11,71	
Ишлаб чиқариш	4,25	2,69	3,0	70,5
Хизматлар	6,63	7,61	8,39	126,5
<b>Бошқа соҳалар</b>	<b>0,36</b>	<b>0.21</b>	<b>0,32</b>	<b>88,9</b>

**Манба:** Корея Республикаси Миллий статистика бошқармаси.

Юқорида Корея Республикасида эркин иқтисодий ҳудудларнинг тарихий ривожланиш тажрибаси кўриб чиқилди. Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишдаги қонунчилик базаси, уларнинг шарт-шароитлари, чет эл инвестициясини жалб қилишдаги ҳукуматнинг олиб бораётган сиёсат билан яқиндан таништирилиб чиқилди. Жанубий Кореядаги эркин иқтисодий ҳудудларни барчасини бир тизимга келтирган ҳолда уларга қуйидагича характеристика бериш мумкин:

Жанубий Кореядаги “Эркин иқтисодий ҳудудлар” саноат комплекслари, аэропорт, порт, дистрибьютор комплекслари, юк терминаллари ва бошқа тасдиқланган ҳудудлар бўлиб улар саноат ва логистик корпорацияларни жойлаштиришга ёрдам беради.

Корпорациялар бу ҳудудларда ўзининг бизнес тури ва инвестиция ҳажмига қараб миллий ва маҳаллий солиққа тортилишда бир қанча афзалликларга эга бўлишади. Божхона актига қараб бу корпорациялар импорт товарларига бож тўловларидан озод бўлиши ҳам мумкин. Бу

ҳолатлар одатда импорт қилинган ҳом-ашёларни ишлатганда, экспортга йўналтирилган товарларга нисбатан қийинчилик туғдирадиган жараёнларни олдини олиш учун қилинган.

Ер, фабрика- заводлар ва бошқа турдаги жихозлар қиммат бўлмаган узоқ муддатли шарт асосида ижарага берилади. Бу эса корхонани ичига олган экспортда логистик бизнесни, товар омборларини, логистикани, юк бошқарувини, кадоқлаш, импорт ва экспорт улгуржи савдо бизнесини, хорижий инвестиция корпорацияларига жуда қулай бўлган бизнес шарт-шароитларини яратиб беради. Хусусан, “эркин савдо ҳудудлари” хорижий инвестиция киритувчи корпорацияларга оптимал жойлашувни таъминлаб бериши натижасида саноат ва логистик бизнесни катта ҳажмда олиб боришга ёрдам беради.

Кореядаги “Эркин иқтисодий ҳудудлари” ўзаро қуйидаги категориялар бўйича ажратилади:

## 2.1 -жадвал

Саноат комплекслари	Аэропорт ва денгиз портлари
Масан	Инчон Аэропорти ва Инчон порти
Иксан	Бусан Порт
Гунсан	Кванян Порт
Даебул	Гунсан Порт (режалаштирилаётган ҳудуд)

2010 йилдаги режаларга кўра Кореянинг Инчон шаҳрида бир нечта

режалаштирилаётган худудлар мавжуд уларга<sup>1</sup>;

- Сонгдо ҳалқаро шаҳарчасии
- Йоунжонг аэрополиси
- Чеонгна ороли

## 2.1 -диаграмма



**Манба:** [www.eng.ifez.go.kr](http://www.eng.ifez.go.kr) асосида талаба томонидан таҳлил қилинди.

Юқоридаги барча “Эркин савдо худудлар” Корея Республикасининг бир неча вазирликлари томонидан бошқарилади. Саноат комплекслари “Савдо, Саноат ва Энергия” вазирлиги томонидан, аэропортлар “қурилиш ва транспорт” вазирлиги томонидан, денгиз портлари эса “Денгиз ишлари ва Балиқчилик” вазирлиги томонидан бошқарилиб профессионал ва махсулаштирилган бошқарувга асосланади.

Инчон эркин иқтисодий ҳудуди ўз ривожланишининг 2-босқичини ўтамоқда. Бу 5 йиллик модел асосан чет эллик тадбиркорлар ҳамда уларнинг

<sup>1</sup>[www.ifez.go.kr](http://www.ifez.go.kr)

ривожланиши, шарт-шароитлари ва яхши а инфратузилмасини келажакда яна ривожлантиришга қаратилган. Ҳозирга келиб эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш ички инвестициялар орқали амалга оширилмоқда.

## **2.2 Ўзбекистондаги Навоий индустриал иқтисодий ҳудудини ташкил этишда Корея Республикасининг роли**

Навоий вилоят Эркин индустриал – иқтисодий зона-бу мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларини, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларини фаол жалб этишнинг муҳим омилдир.

Навоий республикамизда саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга вилоят. Бепоев Қизилқум кенгликларида жойлашган ва буюк шоир ҳамда мутафаккир бобокалонимиз номи билан ататладиган бу ҳудудда 20 тадан зиёд йирик саноат корхоналари фаолият юритаётгани, шу жумладан, биргина Навоий кон металлургия комбинатида бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли олтиннинг 80 фоизи, уран концентрати ва фосфор ўғитлари учун зарур хом ашёнинг ҳаммаси тайёрланаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда ҳам улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестиция дастурлари ҳамда қулай инвестиция муҳити яратилгани асосий омил бўлмоқда. Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2011 йилда 2006 йилга қараганда қарийб тўрт баробарга кўпайган. 2011 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг қарийб 78,8 фоизини ташкил этган. Бу энг аввало Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.

2005-2011 йилларда Ўзбекистонда инвестициялар таркибининг  
ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009й.	2010 й.	2011 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодий имкониятларни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган “Навоий вилоятида эркин индустриал – иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги фармони вилоят, хусусан, Навоий шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларини жорий этиш, хориж инвестицияларини жалб қилиш борасида янги имкониятларни очиб бермоқда, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз. Нега деганда, ушбу ҳужжатда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб

қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан – тўғри инвестицияларни жалиб этиш бўйича қулай шарт шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт–транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилган.

Аввало шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунида бу ҳақида шундай таъриф берилган : “...Эркин ишлаб чиқариш зоналари мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида олинган ҳудуд тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий-иқтисодий мусақиллик ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун ўша ҳудудда жойлашган корхоналарни ижарага олиш, кооператив, қўшма ва чет эл корхоналарини қуриш ва уларни эксплуатация қилиш эвазига эришилади”.

Иқтисодчи олим Абдулла Холиқуловнинг айтишича, ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ана шу мақсадли ижтимоий – иқтисодий дастур асосида ташкил этилган зоналар “эркин ишлаб чиқариш зонаси”, “корхоналар зонаси“ тарзида муваффақиятли фаолият юритмоқда.

- Мисол учун,- дейди у,-1957 йили Ирландиянинг “Шеннон” аэропорти базасида ташкил этилган эркин индустриал – иқтисодий зонани олиб кўрайлик. Бу эрда юзлаб мамлакатларнинг ҳаво йўллари кесишганлиги, яъни сайёҳлар сони кўплиги, қолаверса, тижорат, ишлаб чиқариш ва сармоявий фаолиятни олиб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги чет эл фирмаларининг эгаларига салмоқли фойда келтирмоқда. Бундан, шубҳасиз, Ирландия давлати ҳам катта манфаат

кўрмоқда.

Гап шундаки, эркин индустриал–иқтисодий зонада ишлаб чиқарувчилар шерикларини мустақил танлаш, маҳсулотларнинг тури, ҳажми ва нархларини кучли рақобат, бозорининг талаб таклифлари асосида белгилаш, ишчи–хизматчилар, муҳандис–техник ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш масалаларини ўз хоҳшича ҳал этиш уларга иш ҳаққини миллий ва чет эл валютасида бериш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, бундай зонада ишлаб чиқариш муносабатларига мос равишда молия ва ҳисоб институтлари тизими ташкил этилади. Бу тизим таркибига миллий ва хорижий валюталар бўйича операциялар олиб борувчи давлат ва тижорат банклари, тижорат-хўжалик судлари, валюта ва фонд биржалари киради.

Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда эркин индустриал иқтисодий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилояти бежиз танланмаган. Сабаби, бу эрда мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатларга экспорт қилинмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир қимматбаҳо металллар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётганлиги, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилаётгани бу воҳанинг улкан миқёсидаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

Сўнги йилларда Навоий шаҳри аэропортида тўлиқ реконструкция ва модернизация ишлари рўёбга чиқарилди. Натижада халқаро андозаларга мос 4 кмдан кўпроқ учиш қўниш йўлаги қуриб битказилиб, замонавий бошқариш тизими бунёд этилди, мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражада оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учуриш имкониятлари яратилди. Ушбу аэропортдаги қитъалараро интермодал логистика маркази эса, Ҳамдўстлик давлатларида ягона бўлиб, бу ерда юкларни тезкорлик билан тушуриш, ортиш, тақсимлаш, махсус омборларга жойлаштириш мумкин. Осиёдан Европага, Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк

ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси Жанубий Кореядан лизинг асосида 2 та “А 300-600 Ф” русумли юк самолётини харид қилиб, уларни логистика ихтиёрига берди. Пировардида марказнинг салоҳияти юксалиб, унинг учун жаҳондаги барча юк бозорларига йўл очилди. Чунки янги ҳаво кемасининг ҳар бири 40 тоннагача юк билан 7 минг километир масофани тўхтамасдан босиб ўта олади. Кўриниб турибдики, Навоий аэропортида халқаро қатновни амалга оширадиган барча замонавий самалётларга тезкор, юқори сифатли техник ва сервис хизмати кўрсатиш учун кенг имкониятлар мавжуд.

2009 йилда Навоий вилоятида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг асосий объектларидан бири сифатида Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодал марказ қурилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

Ўтган йил мобайнида “Korean Air” компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди.<sup>2</sup>

Шуни таъкидлаш жоизки, Жанубий Корея Ўзбекистон Республикасининг энг йирик инвестицион ҳамкорларидан бири бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётига киритган инвестициялари 2млрд. доллар миқдордан ошди. Энг йирик лойиҳалари нефтегаз, нефтикимиё, логистка, қурилиш, тоғ руда тармоқларида амалга оширилади. Бунга энг ёрқин мисоллардан бири Навои эркин иқтисодий ҳудудидир. Унда жойлашган континентлараро интермодал логистика маркази МДХда ягона ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, хорижда бу ҳудудга бўлган қизиқиш кундан кунга

<sup>2</sup> Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

ортиб бормоқда. 2009йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда инвестицион ҳамкорлик имкониятлари мавзусида конференция бўлиб ўтган. Натижада, умумий 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги, 35 та инвестицион лойиҳалар тўғрисида келишувлар тузилган. Ҳозирда, “Навои” эркин иқтисодий ҳудудида умумий 187 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 19 та лойиҳа амалга оширилиб, 2010йил иккинчи ярмида кимё саноати, нефт кимиё, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва бошқа тармоқларда ишлайдиган корхоналарни ишга тушириш бўйича яна 16 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2009йил май ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида, Ўзбекистон билан “Янги ипак йўли” лойиҳасини таклиф этди. Бу лойиҳани Кореянинг илғор инфор­мацион технологиялари билан Ўзбекистоннинг кенг логистик ва темир йўл тармоқларини ишлатган ҳолда амалга ошириш орқали, икки мамлакат юртбошлари икки томонлама фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириб, узоқ муддатлилигини таъминлаш мақсадини тасдиқлашди. Саммитлар борасида томонлар ўртасида 37 келишувлар имзоланди. Шу билан бирга Ўзбекистон ТИФ Миллий Банки билан Корея Эксим Банки ўртасида хорижий инвесторлар лойиҳаларини молиялаштириш учун умумий миқдори 100млн. АҚШ долл. бўлган кредит линиясини тақдим этиш тўғрисида Меморандум имзоланди.

Корея Ўзбекистонда таълим, автомобилсозлик, текстиль саноати, инфор­мацион технологиялар, инфратузилма, қурилиш, нефть ва газ каби соҳаларда янги лойиҳаларни амалга оширишг эътибор қаратмоқда.

“Кореянинг Газ Корпорацияси” билан ҳамкорлик асосида Жанубий Корея томонидан 3,12 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, музокаралар натижасида, Республика Корея ва Республика Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик

фонди (EDCF) томонидан 2008-2011 йиллар муддатига имтиёзли қарзлар бериш тўғрисида, альтернатив энергия манбаларини ривожлантириш ва энергияни тежайдиган технологиялар соҳасида, Устюрт газ-кимийё комплекси лойиҳасини қуриш тўғрисида битимлар имзоланди. Охиргисининг қиймати 3 млрд. АҚШ долларидан юқори баҳоланади.

Шу қаторда, 11 май куни Дўрмон қароргоҳида Корея Президенти билан бўлиб ўтган расмий учрашув доирасида, Ислон Каримов ва Ли Мен Бак ўртасида қўшма баёнот имзоланди. Унга асосан, дипломатик паспорт эгалари бўлган фуқаролар учун визасиз кириш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Эксим банки ўртасида “ В.Воҳидов номидаги кардиожарроҳлик марказини замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминлаб бўлиш” учун 10 миллион АҚШ доллари қийматида иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик фонди томонидан имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида битимлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан саноат комплекслари Корея корпорацияси ўртасида “Навои ” эркин-иқтисодий ҳудудига корейс инвестицияларини жалб қилиш тўғрисидаги Меморандум, “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси билан Корея миллий нефть компанияси ўртасида Фарғона вилоятида инвестицион блок ишлаб чиқиш тўғрисида Меморандум имзоланди.<sup>3</sup>

2008 йилда икки мамлакат орасидаги савдо ҳажми 63% га ўсди ва 1,4 млрд. долл. ташкил этди. Глобал иқтисодий рецессия туфайли 2009 йилда иккитомонлама савдоҳажми озгина камайиб, 1,2 млрд. долларни ташкил этди. Мамлакатимизда 351 та корейс-ўзбек қўшма корхоналари ва 91 та фирма ва компаниялар ўз ваколатхоналарини очиб фаолият юритмоқдалар.<sup>4</sup>

2010 йилда Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий ҳудудда 11 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Ўзбекистон ҳукуматидаги


<sup>3</sup>[http://www.pressservice.uz/#ru/news/show/oficialnyie\\_vizityi\\_v\\_uzbekist/prezident\\_respubliki\\_koreya\\_li\\_myon\\_bak/](http://www.pressservice.uz/#ru/news/show/oficialnyie_vizityi_v_uzbekist/prezident_respubliki_koreya_li_myon_bak/)

<sup>4</sup> <http://www.press-service.uz>

манбага асосланиб, Регнум ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, ушбу лойиҳалар учун 31 миллион АҚШ доллари ҳажмида хорижий сармоя киритилади.

Бу маблағнинг асосий қисми энергетика соҳасини ривожлантиришга сарфланиши назарда тутилган. Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш учун қиймати 187 миллион доллар бўлган 19та келишув имзоланган. Янги корхоналар тўлиқ ишга тушганда йилига 375,5 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариши ва унинг қарийиб ярми экспорт қилиниши мўлжалланган.

### 1-схема



1-схемада Навоий ЭИХнинг пассажирлик ва фрахт йўллари белгиланган.

### **2.3 Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий ҳудудларини ривожлантиришда Корея Республикаси тажрибасидан фойдаланиш**

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун таъсир этувчи муқим омиллардан бири – минтақаларнинг истикболини белгилаш ва самарадорлигини оширишни тартибга солиш, шу билан бирга назорат қилишнинг ҳуқуқий асосини яратишдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳуқуқий асосларни тўлиқ ишлаб чиқмасдан туриб, ҳеч қандай иқтисодий минтақа етарли даражада самарали фаолият кўрсата олмайди. Шунинг учун эркин иқтисодий минтақаларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосини яратиш муҳимдир.

Эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этишнинг асосий мақсади бўлиб, мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестициясини жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида мамлакат тадбиркорлари фаолиятини фаоллаштириш, маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажмини ошириш, мамлакат ички бозорига юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматларнинг, янги техника ва технология кириб келиши ва жорий этилишини таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитида янги хўжалик юритиш шаклларини жорий этиш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, табиий ва меҳнат ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашдан иборат бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда қабул қилинган “Эркин иқтисодий минтақалар тўғрисидаги” Қонунда белгилангидек, ҳар бир эркин иқтисодий минтақа Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига асосан Олий Мажлиснинг қарори билан ташкил этилади. Эркин иқтисодий минтақани ташкил этишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Эркин иқтисодий минтақани ташкил этиш тўғрисида маҳаллий ҳокимиятнинг қарори.
2. эркин иқтисодий ҳудудга бериладиган мавқе, бошқарув ташкилотлари ва расмий номи кўрсатилувчи Низом лойиҳаси.

3. мазкур ҳудуд жойлашган ҳудуд чегаралари аниқ кўрсатилган харитаси.

4. ташкил этилувчи ҳудуд фаолиятининг техник-иқтисодий асосномаси.

5. эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш тўғрисидаги қарорнинг лойиҳаси.

Ўзбекистонда ташкил этилиши кўзда тутилган эркин иқтисодий ҳудудлар бўйича бир қанча лойиҳалар мавжуд бўлиб, бу лойиҳаларнинг кўпчилиги айрим сабабларга кўра амалга оширилгани йўқ.

Шуни таъкидлаш зарурки, Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ҳудудида шакллантириш зарур бўлаган эркин иқтисодий ҳудудлар мақсади ва ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларга кўра қуйидаги турда бўлиши керак:

**Биринчидан:** Жанубий Кореядаги Бусан, Масан, Иксан, Инчон ҳудудларидек *ишлаб чиқариш хусусиятига эга комплекс ҳудудлар*;

**Иккинчидан:** *Ташқи савдо ҳудуд (эркин савдо минтақалари, экспорт учун ишлаб чиқариш, транзит ҳудудлар)*;

**Учинчидан:** Япония ва Тайвандаги ҳудудлар сингари *функционал ёки тармоққа қарашли эркин иқтисодий минтақалар (технопарклар, технополислар, туристик, сугурта, банк ва ҳ.к.)*ларни ривожлантириш даркор.

Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида бизнинг фикримизча, қуйидаги эркин иқтисодий минтақаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ:

- Тошкент, Андижон вилоятларининг Қозоғистон ва Қирғизистон билан чегарадош ҳудудларида эркин савдо ҳудудларини;
- Самарқанд, Хива, Бухоро йўналишларида эркин туристик ҳудудларини;

- Тошкент шаҳрининг йирик университетлари жойлашган Талабалар шаҳарчасида, Мирзо Улуғбек шаҳарчасида, Паркентда технопаркларни.

Шу билан бирга ҳар бир ташкил этилувчи эркин иқтисодий ҳудудлар учун иқтисодчиларни жалб этган ҳолда пухта ишланган бизнес-режа тузилиши керак бўлиб, бу бизнес режада минтақа иқтисодиётига жалб этилувчи хорижий ва миллий инвестициялар ҳажмини белгилаш, инвестиция қилинувчи объектларнинг минтақа ривожланишига таъсир кўрсатиш даражасига кўра таснифлаш, инвесторларни рағбатлантириш, таваккалчилик даражасини аниқлаш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Бизнес режада инвесторлар ва ишалб чиқарувчилар учун берилувчи имтиёзлар қатъий белгиланиши керак. Бундай имтиёзлар қаторига солиқ имтиёзлари, давлат ва маҳаллий бюджет билан муносабатлар кўрсаткичлари, валюта операциялари хусусиятлари, корхоналар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича имтиёзларни киритиш лозим. Бизнес режа эркин иқтисодий минтақани ташкил этишнинг илмий асосланган концепциясини шакллантиришни кўзда тутди ва бу концепцияда қуйидагилар асослаб берилиши керак:

- Ташкил этиш шарт-шароитлари, яъни ҳуқуқий асослар;
- Минтақани бошқариш тизими, минтақа маъмуриятининг марказий ва маҳаллий бошқарув ташкилотлари, тадбиркорлар, истеъмолчилар ассоциациялари, савдо-саноат палатаси, савдо уйлари билан муносабатлари тизими;
  - Божхона тартиби;
  - Молия ва валюта операциялари тартиби;
  - Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот тизими;
  - Ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий фаолият шарт – шароитлари;

Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятининг экологик жихатлари, экологик инвестицияларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий минтақаларни ташкил этилиши миллий иқтисодиёт ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишга имкон берувчи ва жаҳон бозори конъюнктурасининг инжий рақобат муҳитига бардош беришга потенциал имкониятларга эга бўлган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш зарур.

## ХУЛОСА

Корея республикасида эркин иқтисодий ҳудудларнинг аҳамиятига бағишланган битирув малака иши натижаларини умумлаштириб, қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи ва хусусан, халқаро савдонинг ривожланиши миллий иқтисодиётларнинг интеграциялашуви, эркинлашуви ва очиклик даражасининг ортиши билан характерланади. Ҳозирги даврда дунёнинг кўпчилик мамлакатлари ўзининг халқаро меҳнат тақсимоти иштирокини кенгайтириш учун унинг ноанъанавий шакллалрини жорий этишдан фойдаланмоқдалар. Экспортга йўналтирилган ихтисослашув ҳозирда фақат саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларгагина хос бўлмай, деярли барча янги саноатлашган мамлакатлар, айрим ўтиш иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатлар ҳам худди шу йўлни танламоқдалар. Экспортга йўналганлик стратегиясининг асосий ташкил этувчи унсурларидан бири эркин (махсус) иқтисодий ҳудудларни ташкил этишдир. Эркин иқтисодий ҳудудлар маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, тўлов балансини яхшилаш, ва ниҳоят, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашув мақсадида ташкил этилади.

2. Жаҳон амалиётида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, улар жойлашадиган ҳудудга бўлган талаблар, унда мавжуд шароит бўйича турли хил қарашларни учратиш мумкин. Эркин иқтисодий ҳудуд бажариши зарур бўлган вазифаларга боғлиқ ҳолда уларнинг жойлашишига турлича талаб қўйилади. Айрим ҳолларда эркин иқтисодий ҳудудни янги ўзлаштирилган ҳудудларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳудудлар саноат ривожланмаган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузулма мавжуд бўлмаган ҳолда ҳам йирик давлат аҳамиятига эга бўлган дастурларни амалга ошириш мақсадида (масалан, мамлакатнинг ёнилғи энергетика, минерал хом ашё базасини мустаҳкамлаш) тузилади.

3. БМТ тадқиқотлари натижаларига қарайдиган бўлсак ҳозир, ЭИХни ўнлаб турлари мавжуд. Демак, шундай хулосага келамизки, эркин иқтисодий ҳудудлар барча ҳилма-хиллик натижасида, ҳатто энг талабчан инвестор талабларини қондира олади. Уларнинг кенг имконияти давлат муҳтож бўлган тармоқни ривожланишига олиб келади. Масалан савдо-омбор ҳудудлари фойдаланилмаётган жойларни ишлатишда, экспорт ҳудудлари товар ва хизматларни етказиб беришда фойдаланилади.

Баъзи давлатлар ҳудудларни иқтисодий механизм ўрнида ишлатса, баъзилари чет эл технологияларини жалб этишда, қолганлари эса давлат босимини камайтириш учун ишлатади.

4. Тадбиркорликни айнан бир турини ривожлатириш учун фискал имтиёзлар. солиқ ставкаси даромад солиғи ўрнида қўлланади. Улар тадбиркорни вақтинча божхона тўловларидан озод этиш билан белгиланади. Баъзи мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бу асосий имтиёзлар ҳар ҳил вазиятда турлича кўринишда бўлади. Лекин ҳар доим ҳам чет эл капиталини жалб эта олмайди.

5. Корея Республикасидаги “Эркин иқтисодий ҳудудлар” саноат комплекслари, аэропорт, порт, дистрибьютор комплекслари, юк терминаллари ва бошқа тасдиқланган ҳудудлар бўлиб улар саноат ва логистик корпорацияларни жойлаштиришга ёрдам беради.

Корпорациялар бу ҳудудларда ўзининг бизнес тури ва инвестиция ҳажмига қараб миллий ва маҳаллий солиққа тортилишда бир қанча афзалликларга эга бўлишади. Божхона актига қараб бу корпорациялар импорт товарларига бож тўловларидан озод бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолатлар одатда импорт қилинган ҳом-ашёларни ишлатганда, экспортга йўналтирилган товарларга нисбатан қийинчилик туғдирадиган жараёнларни олдини олиш учун қилинган.

6. XXI аср юқори техника ва технологияларнинг ривожланиши, фан (университетлар, инженерлик институтлари, лабораториялар) ва

инфратузилманинг тараққий этишини талаб қилди. Ҳамда минтақаларнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб саноат мажмуаларини ташкил қилишни тақазо этди. Японияда янги илмий-техникавий минтақалар кўп мақсадли ва комплекс ҳолда такомиллаша бошлади. Айнан шу жиҳат Япония илмий-техник минтақалари ёки зоналарини АҚШ ва Европадагиларидан фарқлаб туради. Яъни, Япониядаги технопарклар ўз ичига нафақат илмий тадқиқот паркларини ва янги технологияларни қамраб олади, балки Япониядаги бундай минтақаларда бошқа давлатлардагидан фарқли ўлароқ янги турар жойлар аҳоли истиқомат қилувчи кварталларни кузатишимиз мумкин бўлади. Бундан ташқари бу зоналарда телекоммуникация ва алоқа ҳамда янги автомобил йўллари ҳам барпо этилади.

7. Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда эркин индустриал иқтисдий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилояти бежиз танланмаган. Сабаби, бу эрда мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатларга экспорт қилинмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир қимматбаҳо металллар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётганлиги, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилаётгани бу воҳанинг улкан миқёсидаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

8. Шунини таъкидлаш жоизки, хорижда бу ҳудудга бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. 2009йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда инвестицион ҳамкорлик имкониятлари мавзузида конференция бўлиб ўтган. Натижада, умумий 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги, 35 та инвестицион лойиҳалар тўғрисида келишувлар тузилган.

9. К тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ЭИХларнинг фаолиятини юқорида таъкидлаганимиздек кенгайтириш лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар:

1. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади 19.01.2012 йилдаги И.А.Каримов маърузаси
2. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий ҳудудлар”ги 1996 й. 25 апр.даги қонуни (27.12.1996й., 30.08.97й., 15.04.99 й.,20.08.99й.ларда киритилган ўзгаришлари билан).
3. Эркин иқтисодий зона фаолиятининг ҳуқуқий асоси. Халқ сўзи, 2009 йил 5 сентябр
4. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохотлар ва ўзгаришларнинг бош мақсади. И.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ЎЗР ВМнинг мажлисидаги нутқи Халқ сўзи, 09.02.2008 й.
5. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 14.06.2005.
6. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент. 15.06.2005.
7. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси –Т:Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2000 йил

***Корея Республикаси расмий статистика қўмиталари***

***маълумотлари:***

8. Корея Банки йиллик ҳисоботи 2011
9. Корея молиявий тизими назорати йилик ҳисоботи 2010
10. Корея молиявий тизими назорати чорак ҳисоботлари 2011
11. Корея молиявий тизими назорати чорак ҳисоботлари 2012

***Китоблар ва монографиялар:***

12. А. Р. Горбунов «Оффшорный бизнес и создание компаний за рубежом», Москва, Издательское объединение «Анкил», 1995
13. Баженова Ю.В. Экономический механизм функционирования особых экономических зон в России. // Экономические науки, 2009. №8.
14. Данько Т. П., Окрут З. М.. Свободные экономические зоны. М.: Инфра-М, 1998.
15. Е. Ф. Авдокушин «Международные экономические отношения», Москва, Учебное пособие, Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 1997
16. Зименкова Р.И. Свободные экономические зоны: учебное пособие/ Р.И. Зименкова - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005 г. - 223 с.
17. Игнатов В. Свободные экономические зоны. М.: Ось-89 1997.
18. Инновационное-технологическое развитие экономики России. Отв. ред. акад. В.В. Ивантер. - М.: МАКС Пресс, 2005. - 592 с.
19. К.А. Семенов «Международные экономические отношения», Москва, 1999
20. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон., 2005.й.

21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
22. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи.11.02.2006.
23. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёти йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш- асосий вазифамиздир. Тошкент оқшоми. 13.02.2007.
24. Кархов И.Ю., Кунаков Д.А. Особые экономические зоны как инструмент повышения конкурентоспособности и диверсификации национальной экономики//Российский внешнеэкономический вестник.-2007. -№9.
25. Ключня В.Л. Свободные экономические зоны как фактор прогресса страны: учебное пособие для студентов экономического факультета / В.Л. Ключня - Минск: Белорусский государственный университет, 2008 г. - 153 с.
26. Колесов В.П. Международная экономика: учебник. – М.: ИНФРА-М, 2004. - 474 с.
27. Мировая экономика в вопросах и ответах: Учебное пособие. / под ред. проф. Николаевой И.П. – М.: Вузовский учебник, 2006. - 186 с.
28. Мозиас П. Свободные экономические зоны: тенденции мирового опыта // Финансовый бизнес. 1994, №3.
29. Сабден О. Конкурентоспособная экономика и инновации: Монография.-Алматы:Эксклюзив,2009.
30. Спицын А.Т. Инновационная модернизация экономики в стратегии развития "Россия-2020" .-М. :Экономика, 2008 .

31. Спицын А.Т. Интеграция на пространстве СНГ как стратегическая перспектива инновационной модернизации экономики: опыт теоретического анализа.-М.: Экономика, 2009 .-295с.

32. Стенограмма парламентских слушаний на тему «Особые экономические зоны важный инструмент инвестиционной политики и инновационной деятельности государства» / 20 мая 2004 года.

33. Стратегия индустриально-инновационного развития Республики Казахстан на 2003-2015 годы.

#### ***Журнал мақолалари:***

34. Деловая Корея. Справочники полпред. Совет ветеранов МИД РФ.

Москва 2009г. Том XIV

35. Деловой Узбекистан. Справочники полпред. Совет ветеранов МИД РФ

Москва 2008г. Том XI-XII

36. Гидаспов А. Н. Южная Корея: прыжок в лидеры ИКТ-сектора, ч. I. //

ИнформКурьер-Связь. — 2005. — № 4.

37. Гидаспов А. Н. Южная Корея: прыжок в лидеры ИКТ-сектора, ч. II. //

ИнформКурьер-Связь. — 2005. — № 6.

38. Y.S. Kim. Regional Industrial Policy in Korea - its outcomes and

implications // KIET Industrial economic review. No. 2. 2008. P. 19.

#### ***Интернет манбалари:***

39. [www.bok.or.kr](http://www.bok.or.kr) Корея банкининг расмий сайти

40. [www.eb.kdi.re.r](http://www.eb.kdi.re.r) Корея иқтисодиёти расмий сайти

41. [www.fss.or.kr](http://www.fss.or.kr) Корея молиявий тизими назорати расмий сайти

42. <http://www.odakorea.go.kr> Корея Республикаси ташқи ишлар вазирлиги расмий сайти

43. <http://masan.go.kr/>

44. <http://inchon.go.kr/>

45. <http://www.infokorea.ru/>

46. [www.kadri.com](http://www.kadri.com).

47. <http://www.press-service.uz>

48. [www.nso.go.kr](http://www.nso.go.kr)

49. [www.imf.org](http://www.imf.org)

50. <http://rosfincom.ru>